

БОЛТА ЁРИЕВ

БОБОТОҒ ҚЎШИҚЛАРИ



Шеърлар

**ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ
«ЁШ ГВАРДИЯ» НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ — 1979**

ЮКСАКЛИККА ТАЛПИНИБ...

Сурхон воҳасида ҳаётда қадами, ижодда қалами дадил бир гуруҳ қаламкаш ёшлар бор. Ана шундай умидли ёш шоирлардан бири Болта Ёриевдир. Мен бир ижодкор сифатида Болтабойнинг ижодини анчадан буён кузатиб келаман. Унинг қаламидан чиққан жануб қўшидаёй ҳароратли ва эҳтиросли, туйғулари тиниқ ва мушоҳадаси тереан шеърлари кўпинча поэзия мухлислари қатори мени ҳам мамнун этади.

Ёмғирдан майсалар яйради яна,
Қўшдан бўсалар кўнгли тўсади.
Завқидан кўзимда ёнар афсона,
Кўнглим шу майсалар каби ўсади.

Ҳаётга нидо, ўз элига муҳаббат, эътиқод, ноланган умид, истиқбол ишқида ёниб яшаш ва куйлаш — Болта Ёриев шеърларига хос фазилат. Публицистик руҳ, кўтаринки кайфият шоир шеърлари ва дostonларига узукка ёқут кўз кўйгандай ярашиб тушади. Бу хусусият унинг бутун ижодида аста-секин барқарор тўс олаётгани Болта Ёриевнинг истиқболига катта умид боғлаш имконини беради.

Болта Ёриев қалдирғоч мажмуасини «Боботоғ қўшиқлари» деб номлабди. Мен ана шу Боботоғ қўшиқларининг шеърятга чанқоқ қалбларда акс садо бериб, мусаффо осмонимиз узра шўх ва мағрур парвоз қилишига тилакдошман. Чунки, шоирнинг ўзи нидо қилгандай:

Ҳайбатли қоялар — бардоши азим
Ва тоғдай табаррук, дониш одамлар.
Мен сизга суяндим, сизга суяндим,
Юксак-юксакларга талпинган дамлар.

НОРМУРОД НАРЗУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Ленин комсомоли
мукофотининг лауреати

© Издательство «Ёш гвардия», 1979



**Бунчалар бардошли мажнунтол,
Қишда ҳам хайлга толибди.
Ҳали ҳам кутади у висол,
Соч эса оқариб қолибди.**



БИРИНЧИ ҚОР

Йўлларига иштиқлигим, соғинчимни билгандай,
Таитанасини бошлаб келди биринчи қор мусаффо.
Борлиқ узра муҳаббатини тўқиб, инъом қилгандай,
Чор-атрофни қучиб ётган бағри билмас масофа.
Қаршисига учиб чиқди дилқимдаги бор меҳр,
Ахир, уни сийлаганди қанча-қанча оқ тушлар.
Бугун эса қор ёғди-ю, ёғдуланди она-ер,
Тўлқинларга тўш ургандай гала-гала оқ қушлар.
Қор қувончи, қор софлиги дилдан-дилга кўчар-у,
Мағлуб бўлиб қолаверар гўбор кутиб боз армон.
Тилакларим, ишончларим, қордай мейин учар-у,
Дўстларимга даста-даста «қор хат»ларим ёзарман.
Ойдин бўлсин ҳаёт, мисли бойчечаклар чамани,
Оғушида учиб юрсин шўхликларим, мисли қор.
Чопқир бўлсин умрларнинг оқ тулпори, самани,
Оқ тонгларда битган шеърим бўлаверсин баҳравор.
О табият, ҳеч кимсани ишончидан айирма,
Юрган йўли ишонч билан тўла бўлсин, оқ бўлсин.
Оқ каптардай парвоз қилса, қанотини қайирма,
Оқ булутда учган каби кўнгли домд чоғ бўлсин.
«Қор хат» ютиб бир даврага тўпланкишган дўстлардай,
Жаҳон аҳли қувончини, дўстлигини тилайман.
Улар тинчлик кўрғонига посбон каби туриб шай,
Оқ кўнглидан оқ режалар этаверсин аҳд-паймон.
Хуш ниятлар ер юзини қордай қучиб кетгудай,
Бу — инъоми оқ қоринингки, шу қор билан баробар —
Тўқилмоқда дил ўйларини хўп нурафшон этгудай,
Дала-қирга ва қоғозга ояпоқ-ояпоқ орзулар.

Тўқилишик истайман, она,
 Сенга бўлган меҳрим ҳақида —
 Сеҳри уммон, мисли афсона,
 Тилдан тушмас талай ақида.
 Юлдуз ёнсин кўзларда, тинглаб,
 Қуёш кириб борсин қалбларга.
 Қушлар қонсин мазмунин англаб,
 Алла бўлиб қўнсин лабларга.
 Баҳор келиб, қорлари абас —
 Бўлган каби йироғу ёвуқ,
 Уни тинглаб олганда нафас,
 Эриб кетсин ҳар меҳри совуқ.
 Ё навбаҳор файзли кунлари
 Ерга тушса оташ найзалар,
 Майинлашиб ҳаёт унлари,
 Униб чиққан каби майсалар,
 У кезганда қувончин бериб,
 Диллараро кечса сафарин,
 Қулочларин тургувчи кериб,
 Пайдо бўлсин меҳр боғлари.
 Қўшиқлардан истайман сеҳр,
 Бўлишини бошда парвона.
 Мен куйламоқ бўлган бу меҳр,
 Узинг берган меҳр-да, она...
 Бундай қўшиқ кўчиб элларга,
 Ҳаёт бағрин тонгдай тиниқлар.
 Назар сол, эҳ... қанча дилларга —
 Камлик қилар шундай қўшиқлар.

ПОСБОН

Ёдгорлик юксалган гулбоғ саҳида,
Элнинг хотиридан ўчмас шахидлар.
Ҳар айём номлари қайта таҳсинда,
Авайлаб қўямай мен ҳам гулчамбар.

Ёдгорлик қошида ўйга тутқинда —
Қоламан. Нимадир, унинг қудрати!
Ўчмас улугворлик касб этмиш унда —
Муҳрлаб қўйилган она сурати.

Хотирга келади жанг-жадал кунини
Юртига кўксини этганлар қалқон.
Элга муҳаббатдай қўтлуғ туйғунини,
Ҳамиша, ҳар қайда тутганлар осмон.

Хотирга келади «қора хат» олиб,
Қора кийиб қолган мушфиқ аёллар.
Кимнингдир йўлнга ҳамон кўз солиб,
Умиди сўнмаган рухсори олар.

Оналар юрт кўрган ўша кулфатининг
Заҳминини ютганча, қалблари қондир.
Бугун ҳам юртига содиқ шерзоднинг —
Қабрим тепасида Она посбондир.

Оналар,
Оналар...
Фарзанд қадри деб,
Тақдири, умри деб не кўйга асир!

**Кўрингли, бунда ҳам азият чекиб,
Урушни лаънатлаб турибди, ахир!**

**Уйчан термулганлар қабр тошига
Сукутли саждада Онага гўё...
Кўлфатни даф қилган жонлар қошига
Она бўлиб келса арзийди дунё.**



Оламда кезмоқда шўх-шан бир чевар,
 Юрар новдаларга нафис гул тикиб,
 Ҳар кўкат, гмёҳда жонлар зафар,
 Қуёшдан нур эмар ер ҳам энгикиб.
 Ранго-ранг товланар қир-адир,
 Сеҳрли туйғулар берадир.
 Ер ҳидин анқитар тоғлар ҳавоси,
 Рухларда тиниқлик, диллар покиза.
 Далаларда кезар қизлар навоси,
 Босган қадамлари гоят мўъжиза.
 Юрт кўрки — қадлари шәмшодлар,
 Умридан миннатдор ҳам шодлар.
 Бир-бирин оличлаб, бир-бирин сийлаб,
 Бир-бирин бўйнига оширганча қўл,
 Бир-бирин кўксига қўйиб ётар лаб,
 Тоҳиру Зухродай, ана, дарё, чўл.
 Водийнинг ҳуснига пардозми,
 Яшарган чўлларда нур базми.
 Барқутлик бошловчим, келдингми яна,
 Меҳнатга чорлаган офтобрўйгинам.
 Сен сабаб, жасорат қилиб тантана,
 Ҳаёт хуррамлиги ошсин яна ҳам.
 Нафасинг боғларни тўлдирсин,
 Оламни гунчадай кулдирсин.
 Сахий табиатнинг ўктам фарзанди,
 Сен борки, оламда бийрондир тилим.
 Баҳоринг муборак, омилкор, танги,
 Баҳорга зеб берган меҳнаткаш элим!
 Нозланиб, созланиб кел, баҳор,
 Мен сендан ҳамиша ўмидвор!

ДЕҲҚОН БАҲОРИ

Бугун ноздаларда чечаклар назми,
Бугун табиатда яшариш базми.
Само тиниқлигини ойдин дилларга
Кўчиришга қодир кўнатлар аزمи.
Богда турфа гиёҳ чақчақлашади,
О, бипмам, ўзларин не чоғлашади.
Марварид, маржондай тизилган гўллар
Қуёш нурлари-ла қучоқлашади.
Янги келмичакнинг ўйидай ҳирлар,
Кўпчиган хамирдай бўрсилдоқ ерлар.
Ялпизлар пойғини ўпар зилол сув,
Буни табиатнинг инъоми, дерлар.
Ёр юзин қоплаган ранглар жилваси,
Кўкда карвон тортар турна галаси.
Баҳор ол байроғини кўтарган дэдил,
Нафосат булоғини тошган палласи.
Юхсалиб бормоқда деҳқон ғурури,
Авжига чиқмоқда меҳнат сўрўри.
Дапада ниш урган ҳар жажоки кўкат
Унинг бағри эрур, унинг кўз нури.
У ҳақли киймоққа зафар бўркини,
Удир табиатнинг эрка, эркини.
Ҳалол меҳнат билан фаслу наслга,
Йилларга ўлашар баҳор кўркини.
Қўтлуғ уваларда юриб ҳамқадам,
Деҳқон ўйларига шерик бўлган дам.
Орзу-ниятимни дәрёдай кўрдим,
Тилакларим жўшди мисли ўт қасам.
Тилагим: юксалсин шў тошқин виқор,
Сафардан толмасин даъваткор баҳор.

Меҳнат мўъжизаси айлаб тантана,
Юртинг ҳар гўшаси бўлсин сабзавор.
Ривож тилагайман хайрли кўйга,
Шодлик кириб борсин ҳар хона, уйга.
Осойиш кунларга тушмасин раҳна,
Ривож тилагайман ҳосилга, тўйга.
Меҳнаткаш кўмилсин шавкатга, шонга,
Довруғи айлансин қўшиқ, дostonга.
Доимо гулласин саодат боғи,
Олтин дарвозасин очиб нисонга.



Танганавор тус олди бугун
Кумуш водий уфқидаги тоғ.
Гунафшадай нурланди тўкин,
Энди бунда сайру боққа чоғ,
Боботоғда кезади баҳор.

Чўққи кийиб гулдор бўржини,
Қуёшига беради салом.
Кўз-кўз айлаб бутун кўржини,
Қоплон дара турар бекалом,
Боботоғда кезади баҳор.

Қор сувини қамчилаб, қувлаб,
Толли сойда марварид сочиб,
Босган изин сийлаб, сулувлаб,
Сулувтошнинг чиройин очиб,
Боботоғда кезади баҳор.

Унгирларнинг яқин-олиси
Камолатнинг завқи-ла тирбанд.
Булбул — тоғнинг моҳир солисти
Уйғонишининг куйи билан банд.
Боботоғда кезади баҳор.

Ҳаяжонга келди тоғликлар,
Завқи тошиб, тоққа тирмашар.
Элкин каби елди тоғликлар,
Баҳор тоғдан дилга чирмашар,
Боботоғда кезади баҳор.
Боботоғдан безанди баҳор...



**Емғирдан майсалар яйради яна,
Қуёшдан бўсалар кўнгли тўсади.
Завқидан кўзимда ёнар афсона,
Кўнглим шу майсалар каби ўсади.**



СУНБУЛА

Тоғ бағридан юксак қарар сунбула,
Сочларини сүвдә тарар сунбула.
Аммо мени сендай мафтун этолмас,
Билмам, ҳапи нега ярар сунбула.
Сени кўргач, ўйга толиб қолмиш ул,
Лоллик ила ҳайрат олиб қолмиш ул.
Баҳс бобинда орнати бор экан,
Тоғлар сарм тез йўл солиб қолмиш ул.
Сунбулани сеҳринг эзди, париваш,
Оташ нигоҳ, меҳринг эзди, париваш.
Шу сабабли эл кўзига кўримас,
Узидан ҳам ўзи бозди, париваш.
Дардга излар қора бу кун сунбула,
Балки, дили пора бу кун сунбула.
Тол-тол қора сочларингга рашк қилиб,
Холларингдай қора бу кун сунбула.
Мадҳинг учун мен бир оташ нафасман,
Тўлиб-тошиб яна нелар демасман.
Соғинганда, мени йироқ айлама,
Оширингман, мен сунбула эмасман.

НУНОҚ ПАЙВАНДЧИ

Пайвандчи, хатога йўл қўйдинг яна,
Яна ёш олчанинг таннмда жабринг.
Анордан пайвандинг қовжираб, ана,
Турибди. Боққанда, чидарми сабринг?
Нечун бирикмади бу икки ниҳол,
Қовушиб кетмади, ўйлаганингча!
Умидлар чилпарчин, кўнгиллар беҳол,
Қолавердинг лофлар сўйлаганингча.
Ноҳақ тўйда ўчин олган йиғидан —
Келину кувёвдай туришар беҳуд.
Камолли кунларда қотил тигмдан
Яраланган каби бу икки вужуд.
Улар феъли, дилин билмай, суриндинг,
Қўлингдан келмаса, нега уриндинг!..



ТОНГ

Мисли илк баҳор унган бойчечак,
Ой рухсор ойнадай ойдинлашди уфқ.
Сўнг бўлут теграси қизарди андак,
Гўё совуқ еган лабдаги учқун.
Кўк юзи шафтоли гулидай тоза,
Гўдак чехрасидай ёқимли бирам.
Гўё гуллар олар ундай андоза,
Олқишга кўмади майсалар хуррам.
Сўнг юртни тўлдирмоқ бўлиб зармга,
Чўққини пайпаслаб, кун чиқди аста.
Бағрига талпинган ўғлонларига
Тоғ тутиб тургандай эди гулдаста.



ОВ ВА ШЕЪР

(Турум мерганга)

Дедингиз: ов тоғларда гўзал,
Унутилмас завқ бўлар ҳамдам.
Аммо шеър ҳам гўзалдир азал,
Уни овдан кўрмагайман кам.
Дедингиз: ов — ботирлар иши,
Рух-жисмингда яшайди шиддат.
Шеър билан ҳам кучлидир киши,
Жасоратга ундар бу меҳнат.
Дедингиз: ов — хатарларга дом,
У сийламас, бўлсанг парншон.
Шоирлар ҳам умрбод бадном,
Бирор сўзим отса бенишон.



ГОВУРГОН

Тошлари тиг қадар силлиқ Говургон.
Ёниқ ракетадай Тилла чўққиси.
Қимтинган юзларин шамол совурган,
Яна афсонада яшар қутқуси.
Водий, сайхонлардан йироқ бу манзил
Илонларга бир вақт бўлганда маскам,
Кексайган дўстларин ортиқ билган эл
Шу гўшага ташлаб кетаркан қасддан.
Бу қатъий одатини қули бир ўғлон
Отасин кўтариб келарди беҳол.
Дилида яширин изтироб, нолон.
Мағрур бошим эгик, бели бўлагн дол.
Толли сойда ҳордиқ ояғали бирпас,
Бирпас тоғ кўркидан бўлғали огоҳ,
Тиз чўкди бирпасга ростлаш-чун нафас,
Оҳ, падар кулгуси чўчитди ногоҳ.
— Не учун кулдингиз, не учун, отам!—
Аламли титрайди, титрар дудоғи.
— Мен ҳам шуида ҳордиқ олгандим, бўтам,
Отамни кўтариб келганки чоғи...
Сикилган анордай эзилди дили,
Вужудин ларзага солди изтироб.
Бошида гужғондир ўйлар чигили,
Бу оддий ҳақиқат кўзгади азоб.
Сирқироқ ўтганда ачишди жони,
Дардлар қийноғига беропмади тоб.
Ташвишдан вужуди тирналган они,
Тоғ сари юзланиб айлади хитоб:
— Наҳотки, кексалар шу кўйга маҳкўм,
Наҳот, бу мангуға, кетгўвчи якун!

Наҳотки, мени ҳам азиз фарзандим —
Бу ерга келтириб ташлайди бир кун!
Кексалар ҳаётнинг файзи, қиммати,
Кексалар — кўксимиз тоғ этган виқор.
Онларга нур бергай улар ҳиммати,
Йўқ, энди бу тўрбат бўлмагай такрор!
У ҳаёт ҳикмати нақдини айтгач,
Мағрур овозини тоғлар эшитди.
Отасин кўтариб ортига қайтгач,
Узига шу қутлуғ аҳдни эш этди.
Улар бир-бирини меҳрига ўраб,
Бир-бирин бахтини тутишди осмон.
Тоғ эса уларнинг қайтишин сўраб,
Совуқ нигоҳини ўзмасмиш ҳамон.
Говургон, дилимда уйғонур нифоқ,
Афсонанг қўзғагай киши қаҳрини.
Йўқ-йўқ, бу ёлғондир, боқишларияг пок,
Қозониб турибсан инсон меҳрини.



УЛКАМ ТОҒЛАРИ

Водийнинг кўксига қалқон соқчидай,
Мурувватли марддай юксалган мағрур.
Буюк салобатин синамоқчидай,
Бастида жам этмиш нуфүз ва ҳузур.
Бу, буюк эҳсонкор ўлкам тоғлари,
Хайру саховатдан юксалган виқор.
Она-тоғ бағрига интиқ чоғлари
Уйларим неча бор учди мисли сор.
Шу тоғлар кўҳлигин куйладим ёниб,
Шу тоғлар бағрида ҳузур топди жон.
Зилол чашмаларин меҳридан қониб,
Арчалар ҳидини сипқордим осон.
Пистазор боғларин баҳри жонфизо,
Қоялар — юлдузга қўйилган нарвон.
Улар силсиласи — кашфи мўъжиза,
Абадийлик сари тортилган карвон.
О, ўлкам тоғлари, сизга боққанда,
Тоғдай бардошли эл келар хотирга.
Мен юртда ирмоқдай жўшиб оққанда,
Таҳсиним тўкаман аҳли нодирга.
Улар ҳам ўлкада кўҳлик яратар,
Қалбида булоқнинг бедор унлари.
Улар ҳам юрт учун сафда сар-басар,
Тоғдай қалқон бўлди синов кунлари.
Ҳайбатли қоялар — бардоши азим
Ва тоғдай табаррук, дониш одамлар,
Мен сизга суяндим, сизга суяндим,
Юксак-юксакларга талпинган дамлар.

КУНГАБОҚАР

Боқишида нафис бир ибo,
Соғингани қандайин дилдор!
Ором ол, деб толса-да сабо,
Бутун тунни ўтказди бедор.
Ошкор этди тонгда севгисин,
Қуёш ёйгач зар қупочини.
Юзин унга бурди-ю мамнун,
Бахтли қиздай эгди бошини.
То кечгача нурафшонидан,
Нигоҳини узмади бир зум.
Узоқларга йўл олар экан,
Орқасидан термулди маъсум.



ПОЕНИ БОРМИ!

Юракда шижоат, ғайрат уриб жўш,
Одамлар меҳнатдан топади баҳра.
Қўл-қўлга тегмайди ҳар ён қурилиш,
Жанг билан, жанг билан чекнарсан саҳро.
Яратиш ишқи-ла ёнар одамлар,
Толе тантанаси-меҳнат майдони.
Одамлар қадами бунчалар файзкор,
Аммо шу чўлларнинг борми поёни!
Жавобга кўз тутдим толиб, умидвор,
Одамлар қалбидан келди баёни:
— Қайнаган чўлларнинг поёни-ку бор,
Бизнинг орзуларнинг йўқдир поёни!



Мен ёрқин юлдузли уфқлар оша —
Бўйлаётган қайноқ аср одами.
Илҳақ кўзларимда нур тоша-тоша,
Кўксим узра ўтар даврим қадами.
Истиқбол тонгининг кумушларини —
Қалблар гўшасига айларканман жо,
Юмалоқ Ермиз юмушларини —
Юмалоқлаб четга қўймадим асло!
Юлдузлар кўксига нур бўлиб учдим,
Ҳайрат-ла уйғонди вазмин коинот.
Тарихни сархиллаб, ҳақиқат кучдим,
Доно мўйсафиддай кўлди диёнат.
Адолатни офтоб бағрига қўйдим,
Эҳтиёт айладим зурриёт мисол.
Заковат талқинин даҳодай суйдим,
Ақлу ҳаққа бердим абадий висол.
Бир Ватан ярагдим — ҳалол, беминнат,
Омон сақлаб юрдим ёвпар суқидан.
Моҳир парашютчи мисоли, жаннат —
Унга келиб қўнди хаёл кўкидан.
Қуёш фарзандига айланди иссон,
Қоронғулик қасрин эзар ларзалар.
Ҳақсимзликка қарши ҳаққа мен посбон,
Ўртасига қўйдим аниқ марзалар.
Эй, уфқ бағрида камолли авлод,
Эзгу хислатларим жам айлаб бүтүн,
Улуғ эстафета таёғи монанд,
Сенинг қўлларингга тутаман бир кун...

БУҒДОЙ

Азиз деб билади инсон номини,
Нондай азизлайди гўдакларин ҳам.
Мангу йўқотарми энди номини,
Ҳар инкиси уни овулмаган дам.
Қуёшник симириб, қон олиб ердан,
Маржондай товланиб қип-қизилу тўқ,
Буғдой софлакса-да, ўтиб галвирдан,
Ҳали азизликка эришгани йўқ.
Тегирмон тоши ҳам тегар жисмига,
Инсоний дил каби бўлгунча оппоқ,
Ҳали элакнинг ҳам тушар измига,
Осонмас экан-да эътибор топмоқ.
Туз-намак олади ҳамирлигида,
Тобланар тандирдан тафт эмган пайтда.
Тинимсиз синовлар шу замирида
Алвоний рангини олади қайта.
Улғайдим деб сен ҳам оширма ҳаддинг,
Олдиндадир синов дамлари, шунқор.
Ҳозир-ку, галвирдан ўтган бир пайтинг,
Ҳали элаклардан ўтишинг ҳам бор.

Боғларни кезасан паришон,
Хаёллар дардингни сўроқлар.
Хаёлга ҳисларинг қоришган,
Шовуллаб тўкилар япроқлар.
Шовуллаб тўкилган хазонлар
Беозор ўпади пойингни.
Беҳуда тентиган мезонлар
Қайлардан топади жойини.
Йил учун якундир бу кунлар,
Шу сабаб дил билмас осойиш.
Шу бир йил ўтдим бехатар,
Эш топмай кетдим кўп койиш!
О, сен-ку улғайиш олибсан,
Қўлингда ҳаётнинг тизгини,
Лек ўзинг сезмасдан қолибсан,
Йил юзда қолдирмиш изини.
Юзингда безакдай яшаски
Тол чивик мисоли хотира.
Меҳнатдан яралган шу ажин
Келгуси чиройдан нишона.
Шовуллаб тўкилар зар қанот,
Йўқ, хазон эмасдир у зинҳор.
Сарҳисоб дамлари табнат
Календарь варағин тўзғитар...

ДАРАХТЛАР

Кузек ҳам олмада сўйиги нафаси,
Шовуллаб тўкилган барглар паришон.
Куйлашар сарҳисоб дамлар қиссасин,
Қишнинг пешвозидан беришиб нишон.
Хаёлга толдирар мени дов-дарахт,
Спортчи танндай пишқи қадлари.
Уйқучи жонзоддай эмасдир карахт,
Магрур жар солсалар — бордир ҳадлари.
Баҳорта файз берди турфа гуллари,
Завқидан қанчалар юрак бўлди шод.
Мадҳига шайланди эл булбуллари
Ва қанча нафис шеър бўлганди бунёд.
Ошиқ юракларга солдилар түгён,
Ҳаётнинг абадий қўшиғи бўлиб.
Эзгу муддаолар ўрганча жавлон,
Кўзлар мафтун боқди, қувончга тўлиб.
Саратон, кузақда улар меваск —
Шираю шарбат-ла етилди там-там.
Сахий табиатдан инъом эмасми,
Тоти армагай лаблардан ҳеч ҳам.
Музаффар аскардай шайдир бақамти,
Бир йиллик умрининг мазмуни — китоб.
Кўринг, улар қандай виқорли, танти,
Қутлуг саховатдан беришар ҳисоб.
Ҳопсиз ҳазонларни тургай итқитиб,
Ким айтар уларни: «Совуқдан қақшар!»
Улар меҳнатдан сўнг ҳордиққа чиқиб
Тўник ечаётган деҳқонга ўхшар.

МУНДАРИЖА

- 3 БУНЧАЛАР БАРДОШЛИ МАЖНУНТОЛ
- 4 БИРИНЧИ ҚОР
- 5 ТУКМИЛИШИН ИСТАЙМАН, ОНА
- 6 ПОСВОН
- 8 ОЛАМДА КЕЗМОҚДА ШУХ-ШАН БИР ЧЕВАР
- 9 ДЕҲҚОН БАҲОРИ
- 11 ТАҚТАНАВОР ТУС ОЛДИ БУГУН
- 12 ЕМҒИРДАН МАЙСАЛАР ЯЯРАДИ ЯНА
- 13 СУНБУЛА
- 14 НУНОҚ ПАЯВАНДЧИ
- 15 ТОНГ
- 16 ОВ ВА ШЕЪР
- 17 ГОВУРҒОН
- 19 УЛКАМ ТОҒЛАРИ
- 20 КУНГАВОҚАР
- 21 ПОЁНИ БОРМИ!
- 22 МЕН ЕРКИН ЮЛДУЗЛИ УҒҚЛАР ОША
- 23 БУҒДОЯ
- 24 БОҒЛАРНИ КЕЗАСАН ПАРИШОН
- 25 ДАРАХТЛАР



На узбекском языке

Балта Яриев

НАПЕРЫ БАБАТАГА

С т и х и

Издательство «Еш гвардия»,
Ташкент — 1979

Редактор С. Барноев
Рисом Б. Хайбуллин
Рисмлар редактори Э. Ваписев
Техн. редактор Г. Аҳмеджонова
Корректор К. Комилов

ИБ № 741

Босмахонага берилди 3.IV.1979 й. Босишга рухсат этилди
13. VI. 1979 й. Формати 70×90^{1/32}. № 1 босма қозоғга «жур-
нальная рубленая» гернитурда юқори босма усулида бо-
силди. Босма листи 0,875. Шартли босма листи 1,02, Нашр
листи 0,74. Тиражи 8000. Шартнома № 160—78. Баҳоси 10 т.
Заказ № 118. Р—13574.

Ўзбекистон ЛНСМ Марказий Комитети «Еш гвардия» наш-
риёти, Тошкент, 700129, Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон ССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси
ишлари Давлат Комитети Тошкент «Матбуот» полиграфия
ишлаб чиқариш Бирлашмасига қаршли 2-босмахона. Янги-
йўл, Самарқанд кўчаси, 44.

78483—59
Я 356(04)-79 57--79

Ў 61

ЎРИЕВ БОЛТА.

Боботог кўшиқлари: Шеърлар (Сўз боши.
Н. Нарзуллаев.— Т., «Ёш гвардия», 1979.—28 б.—
[Олтин беланчак].

ЎРИЕВ Б. Напەвы Бабатага. Стихи.

ББК 84Уз7

Уз2

**БОЛТА ЎРИЕВнинг ёзганлари каби ўзи ҳам
содда. Шеърларини ўқисангиз қишлоқ одамлари
билан, гўлори ёшлигингиз билан учрашгандек се-
засиз ўзингизни.**